

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Термиз Давлат университети Ижтимоий фанлар факултети Психология
кафедраси доценти
Джураев Ташпулат Сахиевич

Калим сўзлар: психологик хизмат, ҳарбий кадрларни психологик танлаш, ҳарбий психология, психологик ҳимоя, ваҳима, қўрқув, стресс,

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмларда психологик хизматни ташкил этишнинг илмий - методологик асослари

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмларда Психологик хизматнинг жорий қилиниши қатор афзалликларга эга бўлиб, муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳарбий жамоаларни ижтимоий-психологик (ҳарбий хизматчиларни хизмат муносабатларини характеристини, жамоадаги муҳитни, жамоани ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга тайёрлиги ва б.к.) ўрганиш, яъни уларни психологик хусусиятларини аниқлаб олиш нафақат ҳарбий бошқарув нуқтаи назардан, балки жанговар шайликни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди;

- ҳарбий кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни қасбга лойиқлик даражасини инобатга олиб жой жойига қўйиш бевосита илмий ёндошувни талаб этади ва бу жараён аниқ психологик методика, тестлар ёрдамида амалга оширилишини талаб этади;

- Давлат ва ҳарбий хизмат манфаатларини таъминлай оладиган, юқори интеллектуал савиядаги ҳарбий хизматчиларни (мустакил тайёргарликка интиладиган, ҳар қандай вазиятларда жанговар ҳолатини йўқотмайдиган, тезкор мулоҳаза юритадиган, мантиқий фикр ва тўғри мулоҳаза юрита оладиган, ҳар қандай муаммоларни конструктив равишда еча оладиган, ҳалол ва жасур, ҳақиқий қасбий билим ва кўникмаларга эга бўлган) тайёрлаш тизими мукаммалластирилади;

- инсон онги ва тафаккури учун шиддатли тарзда олиб борилаётган ахборот, мафкуравий каби турли кўринишдаги хавф ва хатарлардан ҳарбий

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

хизматчиларни психологияк ҳимоясини таъминлаш механизми такомиллаштирилди.

Фан сифатида ҳарбий психологиянинг вазифаси бўйсунувчи шахсий таркибни ватанпарварлик, ўз халқи ва Ватанга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, бўлинманинг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги масалаларида маънавий – руҳий устуворликни таъминлаш, юксак ҳарбий интизом ва хуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича ёш офицерларда билим ва кўнинка хосил қилиш.

Ҳар бир офицер ўзида ҳарбий психологиядан маълум бир малакага эга бўлиши лозим.

Ҳарбий психологияни ўрганиш ҳарбий хизматчининг ўзидан бошқа кишиларни тушунишига, уларнинг руҳий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда иш кўришига, одамларнинг ижобий, салбий хусусиятларини, уларнинг ўзларига хос бўлган индивидуал жиҳатларининг қандай ва нима сабабдан юзага келишини кўра олишига, теварак-атрофини қуршаб олган бошқа одамлар билан алоқа ўрнатишига ёрдам беради.

Бу фанни жиддий ўрганишга киришган ҳар бир киши ўзининг ҳам кучли, ҳам заиф томонларини кўра олади, ўз устида ишлаш имкониятларига эга бўлади, ўзининг ижобий сифатларини янада яхшилашга, нуқсонларини эса йўқота олишига ўрганади. Бўйсунувчиларнинг шу каби хусусиятларини билиш командир учун бўлинмада тарбиявий ишларни тўғри олиб бориш имкониятини бериб, унинг самарадорлигини оширади.

Фавқулотда вазиятларда ҳарбий хизматчиларда психологик тайёрлашнинг методалогик асослари.

Замонавий урушлар инсоннинг нафақат билиш жараёнларига, балки, унинг ҳиссиёт ва иродасига ҳам юксак талаблар қўяди. Хавф-хатар урушнинг ажралмас хусусияти ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг хавф-хатарни бевосита идрок қилиши қийин ва у буни хаёл воситасида билади.

Жанговар ҳаракатлар даврида экстремал – жанговар вазият тушунчasi мавжуд. Бунда ҳарбий хизматчи жанг майдонида кутилмаганда қийин, ҳаёт учун ҳафли бўлган вазиятга дуч келиши ва ўша ҳолатдан чиқиб кетиш учун тез ва тўғри қарор қабул қилиш керак бўлган ҳолат тушунилади.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

Жангчини шундай вазиятлардан тўғри чиқиб кетиши ва жонни сақлаб қолиши аввало унинг психологик тайёргарлик, касбий ёки профессионал тайёргарлик даражасига кейин эса тушган вазиятнинг оғирлик (мураккаблик) даражасига боғлиқдир.

Харбий жамоада салбий руҳий ҳолатлар намоён бўлишининг энг ёмон шаклларидан бири ваҳима хисобланади. Ваҳима шунчаки руҳий ҳолат бўлмасдан, балки кишиларнинг онгсиз ва назоратдан чиқиб кетган, бир вақтда амалга оширадиган ҳатти-ҳаракатлар мажмуаси хисобланади.

Ваҳимага тушган кишилар нафақат ўзларига нисбатан назоратни йўқотадилар, шунингдек, командирлар назоратидан ҳам чиқиб кетадилар ҳамда маълум бир муддат давомида иродавий қобилиятларини йўқотадилар. Шунинг учун ҳам ваҳима жсанговар ҳолатларда энг хавфли ҳодиса ҳисобланади.

Урушлар тарихи шундан далолат берадики, қўшин ичида пайдо бўлган ваҳима жангнинг мағлубият билан якун топишига олиб келади. Россия-Франция уруши Нопалеон қўшини ичида тарқалган ваҳима туфайли французларнинг мағлубияти билан якунланди. Ёки, улуғ саркарда Бобур Мирзо қўшинининг Панапатра (Ҳиндистон)да қўп сонли ҳиндолар қўшини устидан ғалаба қозонишини таъминлаган нарса ҳам рақиб қўшини ичида тарқалган ваҳима бўлган. Ваҳима ўзининг таъсир доирасига кўра маълум бир чугарага эга эмас. У кичик бир бўлинмани, ҳарбий қисмни ёки бутун бошли қўшинни эгаллаши мумкин.

Келтирилган мисол-далиллардан маълум бўладики, ваҳима ҳар қандай армия учун уни ичдан емирувчи даҳшатли психологик ҳодиса экан. У армиянинг куч-қудратини яксон қилиб, ҳар қанақанги самарали бошқарув тизимини ҳам емириб ташлайди. Шунинг учун ҳам турли тарихий даврларда содир бўлган маҳораба-урушларда қўмондонлар ўз қўшинлари сафида ваҳима тарқалишининг олдини олиш, аксинча, душман бўлинмалари ичида уни ёйиш учун ҳаракат қилишган.

Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар истеълосида ҳам қўрув ҳисси жуда юқори бўлганлигини тарихдан биламиз. Шу қўркув туфайли жуда қўп халқлар мўғулларга жангсиз таслим бўлган. Ҳозиргача халқ орасида “Бўжи келябди”, деб кўрқитиш сақланиб қолган. Бўжи Чингизхонни ваҳший ўғилларидан бирининг исмидир.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

Бундай тажрибалар Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида ҳам тез-тез бўлиб турган, у душманни чалғитиш ва қўшинларининг руҳини кўтариш мақсадида турли хил усул ва воситалардан фойдаланган. Азорбайжондаги жанглардан бирида Соҳибқирон лашкарбошиларидан бири Мэнгли Буғо жангчилар орасида кўтарилган ваҳиманинг олдини олиш мақсадида ўзига хос хийла ўйлаб топади. Амир Темур ўз «Тузуклари» да бу ҳақда «Озарбайжон урушида Қора Юсуф билан тўқнашганимда, лашкарим оғир аҳволга тушиб қолди. Шунда у (Мэнгли Буғо) майдонда ўлган Қора Юсуфнинг лашкар бошлиқларидан бирининг бошини найза учига санчиб, баланд кўтарди ва лашкарига уни Қора Юсуфнинг боши деб, уни ўлдига чиқарди. Бундан лашкарим дадилланиб, жангга ташланди ва Қора Юсуф лашкарининг ўртасига хужум қилиб, Қора Юсуфни қочирди. Бу урушда Қора Юсуф устидан қозонилган ғалабани Мэнгли Буғо номига ёзdirдим ва унинг мартабасини оширдим»-деб ёзади. (Темур тузуклари. Т. Fafur Fulom. 1996 й. 101бет.)

Ваҳима жамоа психологиясига хос ҳодиса бўлганлиги учун маълум бир шарт-шароитлар мавжуд бўлганда ҳар қандай армияда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Оммавий психологик ҳодиса сифатида ваҳиманинг табиатини ва унга қарши курашиш йўлларини ҳарбий психология фани ўрганади. Ушбу мақсадда бир қатор мамлакатлар Куролли Кучлари тизимида маҳсус лаборатория ва тадқиқот марказлари тузилган.

Психология нуқтаи назаридан ваҳима ва қўрқув тушунчалари ва уларни бартараф этиш йўллари

Ваҳима-бу ҳақиқий ёки ёлғон хавф-хатар олдида алоҳида инсоннинг ёки кишилар гуруҳининг қучли эсанкираши, қўрқиши ва ўзини йўқотиб қўйишидан иборат ҳолатдир. Бунда бошланган ишни давом эттириш имконияти қолмайди ва шунинг билан биргалиқда кишилар ҳеч бир маънисиз, режасиз ҳамда тасодифий ҳаракатларни амалга оширадилар.

Кўрқув ва ваҳимани индивидуал-психологик ҳодиса сифатида ҳам, шунингдек, оммавий ҳодиса сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам уларни инсон ва жамоалар табиатидан ажратиб бўлмайди. Аммо, алоҳида одамдаги ваҳима бирламчи бўлиб, гуруҳ доирасидаги ваҳима учун асос бўлади.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

Кўрқув нима? Унинг олдини олиш ва йўқотиш имкониятлари мавжудми?

Кўрқувни кўп миллион йилларга чўзилган инсоният босиб ўтган биологик тараққиёт йўлининг маҳсули деб қараш мумкин. Чунки айнан ваҳима ҳисси инсонларни хавф-хатардан сақлаган, улар учун ҳимояланиш ва яшаб қолиш воситаси бўлган.

Кўрқув моҳият эътибори билан инсоннинг хавф-хатарни англаши натижасида кучли руҳий зўриқишига учраш ҳолати. Ҳаёт учун хавфли бўлган жанговар вазиятларда ҳарбий хизматчиларда ваҳима ҳисси пайдо бўлади. У психологик реаксия сифатида инсондаги физиологик ва руҳий жараёнларга жуда кучли таъсир ўтказади, натижада ҳарбий хизматчи ўзини бошқача тута бошлади.

Ваҳима инсоннинг ички органлари фаолиятига ҳам таъсир этади-юрак, қон томирлар иши ва нафас олиш мароми ўзгаради. Қон таркибида қанд микдори бирдан ошиб кетиши оқибатида организмнинг умумий заифлашиши кузатилади. (сахар, яъни қандли диабед касаллиги кўпинча кўрқув натижасида келиб чиқади). Шунинг учун ҳам қўрқувни бошидан кечирган кишиларга кўпроқ қанд ва ширинликлар бериш тавсия этилмайди. Лекин буни кўрқувни бартараф этиш усули деб тушунмаслик керак.

Кўрқув ҳисси нерв ҳужайралари ва бош мия қобигидаги асосий нерв жараёнлари-қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг маромда кечишига ҳам таъсир этади. Нерв ҳужайраларининг қўзғатувчилар таъсирига жавоблари номувофик бўлади. Бундай ҳолатда асаб тизимининг кучсиз қўзғатувчиларга реаксияси кутилмаганда жуда ҳам кучли бўлиши мумкин. Аксинча, кучли қўзғатувчилар ўз таъсирларини йўқотадилар.

Ваҳима ва қўрқувнинг ҳарбий бўлинма жанговар ҳолатига таъсири ҳамда унинг олдини олиш йўллари ҳақида гап юритадиган бўлсак, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган ҳар бир жангчи ўзи хохламасада, жанг майдонида кўрқув, ҳаяжон, ваҳима каби психологик сифатларни ўзида кечиради. Бу ҳар бир соғлом одамга хос туйгулардир.

Командирлар тинчлик даврида ҳарбий хизматчиларнинг асосий фаолиятини жанговар тайёргарликга қаратишлари лозим ва улар давомида шахсий таркибининг жанговар маҳоратларини тарбиялаш ва ошириш, жанговар

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

фазилатларни, ахлоқий – психологик сифатларни тұғри йұналишда тарбиялаш масалаларига әзтибор қаратишилари лозим.

Күркүв ақлий жараёнлар, ҳиссиёт ва иродага ўз таъсирини үтказади. Одам дикқатини жамлаб ололмай қолади, оддий нарсаларни ҳам унутади, әнг оддий вазиятларни ҳам тұғри бақолай олмайды, унинг ҳаракатлари онг назоратидан чиқиб кетади ва ўзгарувчан бўлиб қолади. Күркүв турли даража ва шаклларда содир бўлади. Хавф-хатар мавжуд бўлганда ҳар қандай инсон ҳис қиласидиган безовталиқ ҳисси қўркувга хос бўлган эмоционал реаксиялар жумласига киради.

Десантчилар қисмларида янги келган ҳарбий хизматчилар парашютдан сакраш бўйича ерда үтказиладиган дастлабки тайёргарликлар вақтида безовталиқ ҳиссини туядилар. Агар вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, безовталиқ ҳадиксирашга айланади. Бу ҳодиса биринчи марта самолётдан сакраш вақтида бўлиши мумкин. Кимда ирова яхши ривожланган бўлса, ўзидағи ҳадиксираш ҳиссини вақтида бартараф этиши мумкин. Борди-ю бунинг уддасидан чиқилмаса, у қўркувга айланishi мумкин. Бундай пайтда ҳадиксираш командирнинг аралашуви ва таъсири остида йўқотилади.

Кўрқаётган кишига уни қийнаётган бундай ҳиссиётдан қутилиши ва ҳаракат қилиши учун одатда биринчи туртки зарур бўлади, бундай туртки командир томонидан берилади. Бу баланд товушда ва қатъий қилиб берилган буйруқ, ҳаракатни бошлаш учун ишора ёки шахсий намуна бўлиши мумкин. Агар ҳарбий хизматчидаги ҳадиксираш ўз вақтида йўқотилса, унинг иш қобилияти тўлиқ тикланади.

Ўз вақтида назорат қилиниб, олди олинмаган ҳадиксираш қўркув ёки даҳшатга тушиш даражасигача этиши мумкин. Бу ҳолат инсон руҳиятини узоқ вақтгача фалаж қилиб, унинг иш қобилиягининг бутунлай йўқолишига олиб келади. Кўркүв ва даҳшатга тушган аскарлар бошқаларга ёмон таъсир кўрсатмасликлари учун шахсий таркибдан ажратиб қўйилишилари керак. Биргина одамдаги қўркув ҳиссиёти қисқа вақт ичида яна ҳам каттароқ бўлинмаларга ўтиши мумкин.

Ваҳима исканжасида қолган жамоа одатда ўзининг жамоага хос сифатларини йўқотади. У ўзаро уюшмаган кишилар гуруҳига айланади. Бундай

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

гурухларни баъзан оломон деб ҳам атайдилар. Оламон бошқариб бўлмайдиган, онгини бир жойга тўплай олмаган гуруҳдир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай ваҳима ўзининг манбаларига эга бўлади. Қисм ва бўлинмалардаги ваҳима одатда битта ёки бир нечта манбалардан бошланади. Алоҳида аскар ёки кичик гуруҳ шундай манба бўлиши мумкин. Ваҳима ҳамма вақт ҳам бир манбадан бошланмаса-да, аммо ваҳима ичида қолган бўлинмада доим унинг маркази бўлади. Муайян бир киши шундай марказ бўлади. У фавқулодда бир вазиятда ваҳимага тушган кишилар етакчисига айланади ва яна кутилмагандага ўзининг бу ўрнидан маҳрум бўлиши мумкин.

Ваҳимага берилган кишилар етакчига тақлид қиласидилар, уларда етакчининг сўзларига ва ҳаракатларига нисбатан ишонч пайдо бўлади. Оломон энг олдинда чопаётганнинг ортидан у тўғри қилаётганлиги учун эмас, балки ҳаммадан тез югираётганлиги учун ҳам эргашади. Тасодифий лидер қанчалик кўп ваҳимага берилса, бошқалар унга шунчалик зўр бериб эргашадилар. Шунинг учун ҳам бундай лидерни тезда бошқалардан ажратиш ва унинг ўрнини тўғри фикрлаш ҳамда совуққонлик билан ҳаракат қилиш лаёкатига эга бўлган бошқа бир киши эгаллаши вазиятни ўнглашнинг ягона йўли ҳисобланади. Токи у оломоннинг дикқатини ўзига қаратиб, улар тақлид қилишлари учун тўғри ҳаракатларни амалга ошира олсин.

Шунингдек, ваҳима жамоа аъзоларининг ҳамасида бирданига бошланиши мумкин. Одатда бундай ҳолат душман томонининг куч ва имкониятлари жуда ҳам юқори бўлганда намоён бўлади.

Ваҳима давомийлигига кўра қисқа ёки узоқ вақтли бўлади.

Албатта, агар ҳарбий жамоада бунинг учун шарт-шароит бўлмаса, алоҳида аскардаги қўрқув ҳисси бошқаларга юқмайди. Бу ҳолатда ҳар бир ҳарбий хизматчидаги маънавий-ахлоқий тайёргарлик даражаси катта рол ўйнайди. Жамоа психологиясида маънавий-ахлоқий барқарорликнинг бўлмаслиги уни арзимас қўрқув олдида ҳам заиф қилиб қўяди. Агар аскарда ўзи қилаётган ишнинг адолатлилигига нисбатан еътиқод, душманларга нафрат, ўз ватанига ва халқига муҳаббат, ғалабага ишонч бўлмаса, жанговар вазиятларда пайдо бўладиган жисмоний ва руҳий зўриқишларни энгиб ўтиш учун ички кудрат бўлмайди.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

Ҳарбий ишни, техникани ва қуролларни яхши билиш, жанг шароитида ишончли ҳаракат қилиш кўникумаларини эгаллаш, душманнинг заиф ва кучли томонларини билиш кабилар жангда ҳарбий хизматчилар руҳий барқарорлигини таъминловчи, демакки, қўрқув ва вахиманинг олдини олувчи омиллар сирасига киради. Командирларнинг ўз бўлинмаларидағи ҳарбий хизматчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини билишлари ҳам таҳликали вазиятларда ташаббусни қўлга олишларига ва жанговар фаолиятни самарали бошқаришларига ёрдам беради.

Командирлар ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари доимий равишда жанговар ҳаракатларни олиб бораётган томонларнинг аҳлоқий-психологик ҳолатини ва вазиятни ўрганиб, баҳолаб борадилар.

Шу билан бир қаторда ҳарбий хизматчилар қайфияти ва жамоа фикрини ўрганиб, уларни аҳлоқий-психологик таъминот тадбирларини амалга оширишда хисобга олиш лозим. Мансабдор шахслар ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий қисм ва бўлинмаларни турли шароитлар ва вазиятларда жанговар операцияларни ўтказиш манфаатига қаратилган аҳлоқий-психологик тайёргарлик ишларини амалга оширишга, уларга психологик ёрдам ва ижтимоий-психологик тикланишни амалга оширишга мажбурдирлар.

Ҳарбий хизматчиларнинг индивидуал психологик ўзига хосликларни ўрганиш ва таҳлилини ўтказишда руҳий носоғлом, паст аҳлоқий-ишчанлик сифатларга эга бўлган ва соғлиги бўшашган шахслар аниқланиши керак. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар натижалари шахсий таркибни бўлинмаларга бўлишда, кузатувчи ва қўриқловчи постларни, патрул, конвой(маҳбусларни маҳсус қўриқловчилар), жанговар гурухларни тузишда ва саралашда фойдаланилади.

Юқорида айтилган сифатларни аниқлашда тарбиянинг барча усул ва шаклларидан самарали фойдаланилади. Катта аҳамиятга эга бўлган ишлардан бири бу ҳарбий хизматчиларни олиб борилаётган жанговар операцияларга бўлган муносабатини ҳисобга олиш ва айниқса жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган худуддан келиб чиққан ва чақирилган, ўша ерда яшовчи аҳоли ўртасида қариндошлик муносабати мавжуд Ёки диний қарашлари тўғри келадиган ҳарбий хизматчиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

Зарурат туғилгандың юқори турувчи құмандонлар орқали шундай ҳарбий хизматчиларни бошқа қисмларга жүннатиш ёки жанговар ҳаракатларни олиб борищдан четлатиши (алмаштириш) чораларини күриш лозим. Жанговар ҳаракатларни кечиши жараёни узоққа чўзиладиган ҳолларда ҳарбий хизматчиларда **рухий ва жисмоний зўриқиши ва чарчоқлар ривожланади**. Бу ҳолларда жангчилар ўзини асрашга, ҳаётини сақлашга кам эътибор қаратиб, ўзини бошқариш қийинлашади.

Бундай вазиятларда командирлар жангчиларга якка тартибдаги ва жамоавий тарзда таъсир қўрсатиш орқали уларда оддий ўзини ўзи асраш, ҳимоялаш каби ҳислатларни сингдириш, ноқонуний жангари тўдаларининг сони, қуролланиши, тактикаси ва бошқа маълумотлари ҳақида аниқ маълумотларни бериши лозим.

Жанговар ҳаракатлар кечеётган даврда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари еътиборни руҳий тушкунликка, ўз кучига ишончсизликка, қўрқув ва саросимага тушган жангчиларни аниқлаш, уларга ёрдам бериш, психологик тикланиши ташкиллаштириш лозим. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда шахсий таркиб билан маданий-оқартув тадбирлари-концертлар ташкиллаштириши яхши самара беради.

Ҳарбий жамоада ушбу даврда шахсий таркиб томонидан спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳолатлари катта салбий таъсир қўрсатиб ёмон психологик оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар зудлик билан аниқланиб кескинлик билан олдини олиш ва жазо қўллаш ишлари амалга оширилиши лозим. Шу каби барча ҳолатларни шахсий таркибга вақтида ва тўғри етказиш турли ҳил миш-мишларни олдини олади ва бўлинмада соғлом психологик муҳит ҳукум суришни таъминлайди.

Ҳарбий қисмларда психологик хизмат қўрсатиш назарияси ва амалиётининг ҳалқаро тажрибаси

Ҳарбий қисмларда психологик хизматни жорий этиш тинчлик ва фавқулодда вазиятлар учун ҳам бир қатор қулайликларга эга бўлиб, бунда муҳим масала сифатида психологик хизмат қўрсатиш хонаси психологининг фаолият предметини ва психологик ёрдам қўрсатиш учун сарфланадиган вақт меъёрларини аниқлаш ҳисобланиб, фаолият мазмундорлигини таъминлашда,

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

аниқроғи ҳарбий хизматчи шахсида ифодаланган психологик муаммони белгилаб олиш учун зарур ҳисобланади. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг психологик реаллиги (яъни: мавжуд психик ҳолат, субъектив идрок, психик ҳолатлар ва онг) ҳамда унга таъсир кўрсатадиган омилларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Психологик хизмат кўрсатиш хонасини ташкил этиш, биринчидан ҳарбий қисм олдида турган ўқув, жанговар вазифаларни ўз вақтида мақсадли бажаришга ёрдам беради, иккинчидан, шахсий таркибни ўз хизматига, унга ишониб топширган ҳарбий техника ва аслаҳаларга бўлган муносабатларини янада ижобийлашувига таъсир кўрсатади, учинчидан, жамоанинг маънавий - руҳий ҳолатини барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади, тўртинчидан, ҳарбий хизматчиларни камолотини таъминлаш учун хизмат қиласи.

Мазкур ҳолат мамлакат мудофаасини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам бир қанча қулайликларга эга бўлиб, уни психологик, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий жиҳатлари мавжуддир. Ушбу хизмат ўз функсияларига кўра қуролли кучларнинг интеллектуаллашувини таъминлашга ижобий таъсир ўтказиб, ҳарбий хизматчиларни ҳарбий касб талабларига қатъий риоя этиш, ҳарбий муҳитга мослашувини ижобий кечишини таъминлайди.

Қуролли Кучларни интеллектуаллашуви деб, хизмат доирасида интеллектуал даражанинг юксалиши назарда тутиладики, бу ўз навбатида хизмат вазифаларини индивидуал ёки жамоавий тарзда бажаришида интеллектуал ёндашувни мақсадли кечишини таъминлайди. Умуман олганда, фаолиятнинг интеллектуаллашувини ақлий жиҳатдан муҳим бўлган имкониятлар ва қобилиятларни шакллантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган онтогенетик жараёнлар ташкил этади. Ушбу жараён ҳарбий тизим доирасида ноанъанавий, локал тўқнашувларда жанговар фаолиятда илгари маълум бўлмаган, ўқув-жанговар муаммолар ечимини мудофаани таъминлаш мақсадида ноанъанавий ёндашувлар асосида муваффақиятли бажаришини таъминлайди.

Тадқиқотчи М. Ермакова фаолиятни интеллектуаллашувида асосан муаммони ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни, услубларни қўллашни

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

назарда тутадики, Мехнат психологияси ва Мехнат социологияси предметлари нуқтаи назаридан бу мақсадга мувофиқдир.

Аммо, ҳарбий фаолиятда вазифалар ва мажбуриятларни чегараланишларини инобатта олсак, ҳарбий фаолиятга мазкур муносабат мос келмайди, чунки ҳарбий фаолиятнинг сиёсий жиҳатлари ҳам мавжуддир. **Армияни интеллектуаллашуви асосан қўйидагиларнинг интеллектуализациялашуви асосида вужудга келадики, бунда ҳарбий техника ва аслаҳаларнинг интеллектуаллашуви, ҳарбий бошқарув тизимининг интеллектуаллашуви ҳамда шахсий таркибнинг интеллектуаллашуви қабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.**

Кўриниб турибдики, интеллектуал юксалишда психологик хизматнинг амалий жиҳатдан роли жуда муҳим бўлиб, интеллектуаллашув жараёнини режалаштириш, прогнозлаш ва бошқариш учун имконият яратиб беради. Мазкур, армияни модернизациялашуви(янгиланиши) жараёнида амалга ошириладиган мақсадли тадбир ҳисобланиб, кейинги босқичда мазкур марказ алоҳида хизмат даражасига кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ.

Чунки, унинг вазифалар кўлами янада кенгайиб, реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ҳарбийлик касбига номзодларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳарбий тизим доирасида таълим-тарбияни замонавий ҳарбий тўқнашувлар характеристини инобатта олишни тақозо этади.